

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 17-avgust, Payshanba

№ 34 (9250)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

АЙРИМ ВАЗИРЛИКЛАРНИНГ 30 ФОИЗ ВАКОЛАТЛАРИ МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИГА ТУШИРИЛАДИ

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида фуқароларга барча турдаги давлат хизматларини маҳалланинг ўзида кўрсатиш, маҳалладан туриб давлат идораларига мурожаат йўллаш тизимини йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам бошлаб юборилган эди.

Айни кунларда кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасининг тўртинчи, Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналишида ҳам халқ хизматидаги давлат ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотларни давом эттириш белгиланган.

Жумладан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кўндалик масалаларни ҳал этишда маҳалла институти жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантирилади. Шунингдек, аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағлар ҳажми 24 триллион сўмга етказилади.

Маҳалланинг маблағларини аҳолининг овозига кўра, маҳаллалардаги инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиёти жорий қилиниб, маҳаллаларни муаммоларини ҳал этиш учун ажратиладиган маблағлар миқдори камида 3 баробарга кўпайтирилади. Маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматларини “бир қадам”да кўрсатиш йўлга қўйилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат хизматларини маҳалладан туриб кўрсатиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги каби давлат органларининг камида

30 фоиз ваколатлари стратегияни амалга ошириш доирасида маҳалла даражасига туширилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, маҳаллий даражадаги муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги халқ вакиллари бўлган депутатларнинг ҳам ўрни муҳим саналади. Шу боис, келгуси етти йилда ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашга раҳбарлик қилиш амалиёти тўлиқ бекор қилиниб, Кенгаш раисининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функциялари ҳамда жавобгарлик доираси аниқ белгиланб қўйилади.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шароитлар яратилиб, ушбу жараёнларга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш чоралари кўрилиб, уларнинг фаолияти босқичма-босқич рақамлаштирилади. Шунингдек, ҳудуддаги аҳоли сонидан келиб чиқиб ҳар бир маҳаллий Кенгашда 5 тагача доимий асосда фаолият юритувчи профессионал депутатлар фаолияти йўлга қўйилади.

Вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ҳокимликлар вазифа ва функцияларининг аниқ чегараси белгиланиб, маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, шу жумладан, ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этиш ва уларни мuddатидан олдин лавозимдан озод этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилади.

Умуман олганда, келгуси етти йилда халқчил давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари кўламини ошириш борасида бошланган ишлар янги босқичга олиб чиқилади.

Маҳфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.
ЎЗА

НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ

УЗУМЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

Айни пайт серкүёш ўлкамизда мевалар пишиб-етилган палла. Дастурхонларимиз серҳосил боғларимизда етиштирилган ноз-неъматлар билан янада файзли. Зеро, мўл ҳосил ризқимиз бутунлигидан, табиатнинг бизга берган беназир инъомидан далолат.



Узумчилик сердаромад соҳалардан биридир. Бугун қишлоқ хўжалигининг бу йўналишига қаратилаётган алоҳида эътибор эса мазкур тармоқ билан шуғулланувчилар сонининг ошиб боришига замин яратаяпти.

Лавҳамиз қаҳрамони меҳнати, пешона тери эвазига юртимиз равнақиға ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ёшлардан бири. Абдуҷаббор Аvezов 32 ёшни қарши олди. У Мустақиллик тенгдоши. А.Аvezов Қизилтепа тумани “Гулбоғ” маҳалласида туғилган. Отасидан деҳқончилик ва боғдорчилик сир-асрорларини ўрганган. Ҳозирда “Саид Сирож Самандар” фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Оилавий муҳит сабабли Абдуҷаббор ёшлигидан боғдорчиликка, асосан, узумчиликка қизиқди. Ҳозирда қарийб 10 гектар майдонда узумнинг қатор навларини парваришлаб келмоқда.

– Фарғона тажрибасидан келиб чиқиб, узум навларини кўпайтиришга, ниҳолларини ҳавога шаклида ўстиришга эътибор қаратдим. Узумчилик билан шуғулланувчи боғбонлар билан учрашсам, албатта, улардан соҳадаги янгиликларни сўраб ўрганаман, парваришлаш усулларини сўрайман, – дейди Абдуҷаббор Аvezов. – Узумнинг гигант навини Самарқанддан олиб келганман. Унинг майизи донаси йириклиги, данаги йўқлиги билан ажралиб туради. Майиз қилиш жараёнида оби-тобида қуритсангиз, маҳсулотни анча юқори нарҳда сотиш мумкин. Майизи ширинлиги боис жуда харидордир.

(Давоми 3-саҳифада)

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА?

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти фаолиятига бир назар

Икки кун олдин ОАВ вакиллари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Миллий маркази тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)га пресс-тур уюштирилди. Дастлаб журналистлар мутахассислар ҳамроҳлигида илмий-тадқиқот

институти тажриба далаларида барқ уриб ўсиб турган гўзаларни кўздан кечирди, қатор лабораториялар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Айниқса, бу ерда парваришланиб келинаётган кўп йиллик пахта дарахлари пресс-тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-саҳифада)



ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ

Қадим Хоразм воҳаси ўзининг шириндан шаккар қовунлари билан маълуму машҳур. Айниқса, Гурвакни Хоразм қовунчилигининг рамзи, десак муболага эмас. Шунинг учун ҳам воҳада август ойида, айни полиз маҳсулотлари пишиб, етилган паллада, ҳар йили анъанавий равишда қовун сайли ўтказиб келинади. Бу йил ҳам 12-13 август кунлари Хивада “Қовун сайли” фестивали бўлиб ўтди.



Бу йилги фестивал олдинги йиллардагига қараганда бошқачароқ республика миқёсида ўтказилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ушбу қовун сайлини ўтказишдан асосий мақсад, ҳудудга ички ва ташқи сайёҳлар оқими ошириш, воҳанинг қадимий ва замонавий полизчилик тажрибасини, ширин-шаккар қовун-тарвузлар ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини кенг тарғиб қилишдир. 40 гектар

майдондаги 66 павилонда полиз, сабзавот, узум ва ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун ўндан ортиқ қовун навлари тақдим этилди. Боғот заминида ер билан тиллашадиган уста деҳқонлар кўп. Бу йил “Раҳимбой, Дилмурод, Шаҳзодбек”, “Санжар Мирзо боғи”, “Жайхун замини” фермер хўжалиқлари далаларида қовун-тарвуздан мўл ҳосил етиштирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Беларуснинг 11 шаҳрида ўтган II МДХ ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз мамлакатимизга қайтиб келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари, ОАВ вакиллари жам бўлди.

– Ҳаяжонимизнинг, ғуруримизнинг чеки йўқ. Спортчиларимиз ёруғ юз билан юртимизга қайтмоқда, – деди Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов. – Уларнинг ғалабаси мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган алоҳида эътиборнинг махсули бўлиши билан бирга, юртимизда соғлом турмуш тарзи кенг оммалашаётганидан далолат.

Ўзбекистон спорт делегацияси ўрин олган самолёт Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнди. Улар карнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олинди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов, ёшлар сиёсати ва спорт вазирини А.Икромов Ватанимиз спорт шарафини улуғлаган спортчиларни кутлади.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган нуфузли мусобақада улкан ғалабага эришиб, мамлакатимиз спорт тарихида янги саҳифа очган ёш спортчиларимизнинг ҳар бир мусобақадаги, беллашувдаги шиддати, иродали ғалабаси Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

(Давоми 4-саҳифада)



Институт ва унинг илмий-тажриба станцияларида ғўзанинг 442 нави яратилган



ХОРАЗМДА ҚОВУН САЙЛИ

(Боши 1-саҳифада)

— Бизнинг шароитимизда мўл ҳосил етиштиришнинг машаққати кўп, сабаби ерларимиз ишлов ва парваришни кўп талаб қилади. Аммо қуёш тафти нисбатан кучли бўлганиданми, пишиб етилган ҳосил ширага, дармондорига бой бўлди. Шунинг учундир, Боғот полизкорлигида азалдан тилими тилини ёрадиган қовун-тарвуз етиштирилган. 15 гектар ерга қовуннинг кўча, гулоби, бўриқалла навларидан эккан эдик. Ҳосилимиз чакки бўлмади, гектаридан 60 миллион сўм даромад қилаяпмиз, — дейди "Раҳимбой, Дилмурод, Шаҳзодабек" фермер хўжалиги раҳбари Дониёр Раҳимбоев. Бу йилги қовун сайлида 15 турдаги қовун маҳсулотларимиз билан қатнашдик.

— Биз бу йилги қовун сайлида биринчи бор иштирок этдик, — деди сурхондарёлик миришқор Ҳамза Бозоров. — Заминимизда етиштирилган қовун-тарвузлардан 12 турини олиб келиб, кўргазмага қўйдик. Бизнинг қовун-тарвузларимиз ҳам Хоразмниқидан қолишмади.

— Хива "Қовун сайли"да биз ҳам ўз чиқишларимиз орқали қатнашдик, — дейди Жизза вилояти Зарбдор тумани Маданият уйи қошида ташкил этилган "Гулсара" ансамблининг хонандаси Марям Яхшибоева. — Бу фестивал бизда жуда катта



таассурот қолдирди. Фестивалда хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар ҳам иштирок этди. — Турмуш ўртоғим билан Хивага саёхатга келгандик. Саёхатимиз айни "Қовун сайли"га тўғри келди. Бизни ҳар бир павилонда очик чехра ва меҳмоннавозлик билан кутиб олишди, — дейди французлик сайёҳ Винсент Гласобби.

Қовун сайли фестивалининг иккинчи кунини гала концерт ва сўнггида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қовун сайлида "Қовунчиликда янги инновацион технологияларни жорий қилиш", "Қовунчиликда янги навларни маҳаллийлаштириш", "Қовунчиликда энг юқори ҳосилдорликка эришганлик", "Қадимий ва аънавий Хоразм қовунлари навларини тиклаш", "Энг

якши ёш қовунчи фермер" каби наминацияларда 1, 2, 3 ўрин ғолиблари диплом ва қимматбаҳо савғалар билан тақдирланди. Фестивалнинг олий соврини Гран при — "Жентра" автомобили бир павилонда очик чехра ва меҳмоннавозлик билан кутиб олишди, — дейди французлик сайёҳ Винсент Гласобби.

Кўтаринки руҳда ўтказилган "Қовун сайли" фестивали барчада катта таассурот қолдирди. **Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

ТОЗА ҲАВО ТАНГА ДАВО БЎЛЯПТИМИ?...

Экологик бўҳрон, табиий муҳитнинг ифлосланиши бугун дунё ҳамжамиятини бирдек ўйлантирмоқда. Тоза ҳавога бўлган талаб ҳам йилдан-йилга ортиб борапти, десак муболага эмас. Шу сабабдан ҳам ривожланган давлатлар баланд биноларнинг юқори қисмига спорт майдончалари барпо этишмоқда.

Бугун инсон эҳтиёжларини қондириш учун саноатлаштириш натижасида зарарли газларнинг кўпайиши инсоният олдида кўплай муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Ҳавога тарқалаётган чанг, зарарли тўнунлар сўнгги йилларда дарак ва буталарнинг кесилиши, тупроқ қатлами ва йўл-



ларнинг бугунги иссиқ кунларда жуда қуруқ ҳолатга келиши билан янада кучайганлиги бор гап. Буларнинг барчаси зарарли чанг ва бактерияларнинг ҳавога тарқалишига замин яратмоқда.

Илгарилари одамлар чанг бўрони деган воқеликни билишмаган. Бугун эса чанг, ғуборларнинг ҳавога тарқалиши оддий ҳолдек қабул қилинаёпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоб-китобларида кўра илмига ҳавонинг ифлосланиши 7 миллион одамнинг бевақт ўлимига сабаб

бўлмоқда. Инсон ҳам ҳайвон ва ўсимликлар қаторида биологик жараёнларни бошидан кечиради. Бироқ олаётган нафасимиз, истеъмоладан қилаётган озиқ-овқатларимиз тоза бўлмагандан кейин албатта турли касалликлар келиб чиқмоқда.

— Бугунги кунда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ҳар қачонгидан ҳам юқорилигини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Бунинг натижасида астма касалликлари, аллергия касалликлари, инсоннинг ривожланиши кетаётганлигини

кўришимиз мумкин. Мавсумий бўлган аллергия касалликлар ҳозир мавсум танламай, йил давомида ҳам учрайпти. Ҳўл меваларнинг, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам ифлосланган ҳаво, тупроқ, тоза бўлмаган сувда етиштирилиши натижасида ҳам одамлар орасида ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайиб бормоқда. Иссиқ кунларда чўмилиш ҳавозларида одамлар билан мулоқотнинг кўплиги, чўмилишдан касалликларнинг ҳам касалликлар келиб чиқишига сабабдир. Катталар ўртасида юрак, қон томир касалликларининг кўпайиши ҳам ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ. Ҳаводаги бугунги чанг, ғубор, зарарли газларнинг кўпайиши инсонлар касалликларининг ёшаришига, кўпайишига ҳар жиҳатдан таъсир кўрсатмоқда, — дейди Сирдарё вилояти юқумли касалликлар бош шифокори Баҳром Турсунов.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

➤ Август – ҳосилга ҳосил қўшадиган ой

АСАДА ҒЎЗА КҮН САНАЙДИ

Асаднинг ҳозирги қизғин кунларида механизатор тин олади, деган деҳқон ҳам, фермер ҳам адашади. Сабаби, айни шу кезларда ғўза майин, намли тупроққа ўта муҳтож бўлади. Чунки шиғил ғўзаларнинг илдизлари майин тупроқдан, минераллардан, "шарбат" сувидан озиқланади. Кунда бир яшнаб, ҳосилга ҳосил қўшади. Бободоҳқонларимиз беҳудага "Асада ғўза кун санайди", деб айтишмаганда.



Тажрибали механизаторимиз, суяги тракторнинг кабинасида қотган Акмалжон Абдуллаев саратон забтига олган, ҳатто қушлар ҳам иссиқ ҳаводан яширинган кезларда тракторини пайкал четига тортиб қўйиб, соя-салқиндан ҳаловат излагани йўқ. Тиниб-тинчимас тракторчи экинни ясатадиган асад ойида ҳам даладан бери келмаяпти. Унинг айтишича, айни шу паллада белга уриб қолган ғўзага ишлов берилса, кам шикастланади, ҳосил элементлари деярли тўқилмайди.

Хабарингиз бор, бу йил Сурхон воҳасида сув тақчиллиги аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ сезилди. Шу боис, сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида механизатор ва сувчиларимиз билан бамастаҳат, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораёламиз. Ғўза қатор ораларига оби-тобида, тупроқни майин қи-

либ, кесак чиқармасдан ишлов бердик. Шу орқали тупроқдаги намлик одатдагидан беш кун, бир ҳафтадан кўпроқ сақлаб турилади. Бу суғориш муддатини 4-5 кун узайтириш имконини берди. Натижами? Ҳозир ҳар бир туп ғўзада 15-18 тадан кўсак санаш мумкин. Шона ва гулларнинг эса саноғи йўқ. Механизаторимиз Акмалжон эса культиваторнинг рама ва ишчи қисмларини юмшоқ резина матолар билан "балиқ сирти" шаклида ўраб, тракторини ғўза қатор ораларида "одимлатиб" юргизмоқда. Чунки, у культивациялашни йиғим-теримгача сувайтирмасликка аҳд қилган. Бизнингча ҳам, шундай қилинса, кўзлаган мақсадимизга албатта етамиз.

Насиба СУЮНОВА, Қумқўрғон туманидаги "Насиба Сууюнова" фермер хўжалиги раҳбари.

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимиздаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича энг қадимий илмий муассаса ҳисобланадиган мазкур институт дастлаб 1922 йилда Туркистон селекция станцияси номи билан Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида ташкил этилган. Станциянинг асосчиси ва биринчи директори машҳур генетик ва селекционер олим Г.С. Зайцев бўлган. Уша пайтда станция ўрта Осиёда ғўза ва бошқа экинлар уруғчилиги ва уруғшунослиги тармоғини ривожлантиришда асосий тармоқ ҳисобланган. Станциянинг филиаллари ва таянч бўлимлари, унинг асосида ғўза, беда ва бошқа экинларнинг селекцияси ва уруғчилиги бўлимлари, қишлоқ хўжалиги ва тажриба-синов станциялари филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилди. 1930 йилда станция Бутуниттифоқ Пахтачи-



ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА?

лик илмий-тадқиқот институти таркибига киритилди ва кейин Марказий селекция станциясига айлантирилди. 1960 йилда Марказий селекция станцияси "СоюзНИХИ"нинг "Ғўза ва беда селекцияси ва уруғчилиги" филиалига, 1965 йилда "Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти"га, 1987 йилда эса "Селекция ва уруғчилик" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди.

— Илмий салоҳиятни ривожлантириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилдаги қарорига мувофиқ, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги, Пахтачилик илмий-тадқиқот институтлари ҳамда Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик станцияси бирлаштирилиб, уларнинг асосида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ташкил этилди, — дейди илмий-тадқиқот институтининг илмий ва инновацион ишланмалар бўйича ўринбосари Шодмон Намозов. — Институтимиз ва унинг илмий-тажриба станциялари илмий жамоалари томонидан республикамизнинг турли хил тупроқ ва иқлим шароитларида етиштиришга мос янги ғўза навларини яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, районлашган ва истиқболли навларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ

унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятини берувчи экинларни алмашлаб экиш тизимлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Институт ва унинг илмий-тажриба станцияларида ғўзанинг 442 нави яратилган ва улардан 101 та ўрта толали ва 49 та ингичка толали навлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу йиллар давомида ғўза навлари бўйича умумий майдон бир неча ўн миллион гектардан ортиқни ташкил этди. Айни пайтда фермер хўжаликларидан институтда яратилган 23 та ғўза навлари жумладан, 5 таси ингичка толали навлар умумий пахта майдонининг 95 фоизи, яъни, 910 минг гектардан ортиқ майдонда экилган. Бугунги кунда республикамиз пахтачилигида фақат маҳаллий селекция навлари етиштирилади.

Илмий муассасадаги Ғўза коллекцияси ва интродукцияси, Ғўза генетикаси ва цитологияси, Ўсимликларнинг биокимёси ва физиологияси, Иммунология ва сунъий иқлим, Биотехнология ва фитопатологик баҳолаш, Тола технологияси, янги навларни синаш ва уруғларини дастлабки кўпайтириш лабораториялари селекционерларга муҳим белгиларга эга янги донор шакллари яратиш, бошланғич ашё ва селекция тизимларини генетик баҳолаш ҳамда янги навлар уруғларини кўпайтиришда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Селекция жараёнини тезлаштириш, ташқи муҳитнинг назорат қилувчи муҳитида ғўза навлари хусусиятларини ўрганиш мақсадида

институтда фойдали майдони 2,15 гектар бўлган "Фитотрон" иссиқхона мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Институт Россия, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа давлатлар олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан алоқаларни сақлаб келмоқда ҳамда илмий кадрларни тайёрлаш, ахборот ва уруғлик материалларни алмаштириш ишларини ташкил этмоқда.

Институтда яратилган ингичка толали С-6037 ғўза нави Лейпцигда 1981 йилда ўтказилган халқаро кўргазмада олтин медал билан тақдирланган. Илмий жамоа меҳнати маҳсули бўлган "Бухоро-6" нави эса Ливерпуль пахта биржасида олтин медалга сазовор бўлиб, унинг толаси стандарт сифатида қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида ўрта ва ингичка толали ғўзанинг 250 дан ортиқ навлари яратилди. Хусусан, сўнгги 5 йил ичида 51 нав яратилиб, 41 таси Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилди. Институт олимлари Ўзбекистон Республикасининг селекция ютуқлари ва фойдали моделлари учун 112 та патент ҳамда Россия Федерациясининг 4 та патентига эга бўлдilar.

Ҳозирги кунда институтда 19 та лаборатория ва 2 та ноёб объект мавжуд. Бош институтда 327 та илмий-техник ходим фаолият кўрсатиб, шулардан 117 нафари илмий ходим, шу жумладан, 23 нафари фан доктори, 17 нафари фан номзоди ва 30 нафари



фалсафа докторларидир (PhD). Институтда 2016-2022 йилларда қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича 32 нафар фан доктори (DSc) ва 65 нафар фалсафа доктори (PhD) тайёрланди. Хорижий тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимли равишда кенгайтирилди. Ушбу ишлар натижасида пахтачиликда етакчи ўринда турадиган Хитой, Покистон, Греция, Туркия ва бошқа давлатларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва олимлари билан илмий ва амалий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Бу эса бутун соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, ушбу соҳага оид вазириллар, ассоциациялар, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари бўлимлари билан илмий ва амалий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Раимқул СУЯРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

“Кексалар саломатлиги ойлиги” кўтаринки руҳда ўтмоқда

“Иш ўргатиш қанчалик мураккаб бўлмасин, уларнинг меҳнат қилиш истагини асло рад этмайман”

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ФИДОЙИ НУРОНИЙЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгашининг қарори билан таълим, тиббиёт, илм-фан, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, маданият, оммавий ахборот воситалари, суд-ҳуқуқ каби соҳаларда узоқ йиллик самарали ва ҳалол меҳнати, Ватанимиз тараққиёти, оилалар мустақамлиги, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидойилик кўрсатиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган нафақа ёшидаги мингдан зиёд ҳамюртларимиз I, II, III даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.



Хусусан, наманганлик 58 нафар фаол нуроний Президентимизнинг 2017 йил 14 июлдаги қарорига асосан таъсис этилган биринчи ва иккинчи даражали “Меҳнат фахрийси” нишонига муносиб деб топилди. Наманган шаҳридаги “Маърифат” марказида бўлиб ўтган тантанали маросимда ушбу мукофотлар ўз

эгаларига тақдим этилди. Тадбирда “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Содиқжон Турдиев, вилоят ҳокими ўринбосарлари Акрамжон Абдуҳамидов, Динара Якубова юртимизда инсон қадрини улуғлаш, кексаларга ҳурмат кўрсатиш



ва уларнинг бой ҳаётий тажрибасига суяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлади. Бугунги кунда вилоятимизда 245 минг 600 нафар меҳнат фахрийси ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини дилдан ҳис этиб яшамоқда. Узгалар парваршига муҳтож 1 минг 100 нафар яқалғиз киши юртимизнинг сўлим сихатгоҳларида дам олиб, са-

ломатлигини мустақамлади. Қолаверса, етти нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва фронторти иштирокчисига доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Айна кунларда эса бутун мамлакат бўйлаб “Кексалар саломатлиги ойлиги” кўтаринки руҳда ўтмоқда. Шунинг алоҳида айтиши жоизки, нуронийси бор хонадонда файзу барака бўлади. Фарзан-

длар комил инсонлар сифатида вояга етади. Шу маънода, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшлар таълим-тарбияси, қолаверса, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида қайвони отахон-онахонлар фаол иштирок этмоқда. Айниқса, “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилига асосан ёш ўғил-қизлар маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган, замонавий фикрлайдиган кексаларга бириктирилди. Тантанали маросимда сўзга чиққан фахрийлар кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун миннатдорлик сўзларини изҳор этдилар. Тадбир вилоят “Нуронийлар уйи” да дастурхон атрофида давом этди. Хушовоз санъаткорлар ижросидаги дилрабо кўшиқлар йиғилганларга завқу шавқ бағишлади. **Оқилхон ДАДАБОВЕВ, Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ.**



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

НИҚОБДАН ЧИМИЛДИҚҚАЧА, БАРЧАСИ ХАРИДОРГИР...



Раъно Бердибекованинг асли касби педагог. Нукус шаҳридаги 42-мактабда 22 йилдан ошиқ технология фанидан дарс бериш, директор ўринбосари бўлиб ишлаш билан бир қаторда тиқиш-бичиш яъни, халқ хунармандчилиги билан жиҳдий шуғулланиб келади.

Аваллига дарс ўтишдан бўш вақтларида ўзи шуғулланди. Кейинчалик эса қизиқиши ортиб, ўз ортидан маҳалладошларини ҳам эргаштирди. 2020 йилда “Раъно” деб ном олган тикув цехини очди. Шу йиллари карантин даври эмасми, кенг оммага маҳсулот тарқатиш қийинлашди. Шундай бўлса-да, кичик жамоаси билан уй шароитида ишлаб, аҳолига ниқоблар тикиб тарқатди, тиббий муассасалар ходимлари учун тиббий формалар етказиб берди. Бугунги кунга келиб эса, янги-янги тикув ускуналари олиниб, ишлаб чиқариш турлари янада кўпайди. Улар тиккан кийим-кечагу кўрпа-тўшаклар, матраслар, тўй либослари, ҳатто чимилдиққача бўлган маҳсулотларнинг ҳаммаси харидоргир.



– Мен билан ишлаётган орасида ногиронлиги бўлган шахслар, хусусан, эшитиш ва кўриш қобилиятидан маҳрум аёллар ҳам бор. Иш ўргатиш қанчалик мураккаб бўлмасин, уларнинг меҳнат қилиш истагини асло рад этмайман. Аксинча, уларга вақтинчи кўпроқ ажратаман, – дейди Раъно Бердибекова. – Бу ўринда педагогик маълумотим ва шу соҳадаги кўп йиллик иш тажрибам яхшигина асқотади. Раънохонга оила аъзолари, айниқса, қизи ва келини яқин кўмакчи. Миллий байрамларда, кўرғазмаларда маҳсулотлари билан қатнашиб келаётган бу кичик жамоанинг етакчиси Ўзбекистон Республикаси Хунармандлар уюшмаси аъзоси. **Занжилой АБДУСАЛОМОВА**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

СОЙ СОҲИЛИ СЎЛИМ-СЎЛИМ

Гўзалликка бурканган Фарғона шаҳрининг ичидан оқиб ўтувчи Марғилонсойга кўзи тушган одамнинг дили яйрайди. Бу иншоот вилоятнинг бир қатор туманлари ерларини суғорибгина қолмай, шаҳар хуснига хусн ҳам бериб туради.

– Марғилонсой сойи Фарғона шаҳрини қайта қуриш жараёнида кўркам ҳолга келтирилди, – дейди Сирдарё-Сўх ИТХБ бошлиғи Фахриддин Турсунов. – Унинг икки қиргоғи табиий қизғиш тошлар билан қопланди, тепасига Япония ва Туркиядан келтирилган дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бу сой Исфайрам-Шоҳимардон ирригация тизими бошқармаси тасарруфига киргани учун шаҳар ичидagi 17,3 километр қисмини улар доимий равишда тоза ва озода сақлаш, атрофни кўкаламзорлаштиришга ҳаракат қилаяпти. Ҳозирда Мустақиллигимизнинг 32

йиллиги муносабати билан “Маҳалладан – хонадонгача” тамойили асосида сой қирғоқларини безатишга катта аҳамият берилмоқда. Соё қирғоқларидаги ўт-ўланлар, чиқиндилар тозаланиб, гуллар экилаётди. Бундан ташқари кенг кўламада тозалаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Бугунги кунгача сойнинг 6 километр қисми тозаланди ҳамда ўндан зиёд гидротехник иншоотлар таъмирланди. Бу ишларни бажариш учун 15 нафар ишчи жалб қилинди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



УЗУМЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

(Боши 1-саҳифада)

Узумчиликнинг орқасидан қаҳрамонимиз энгил автомашина олди. Ҳозирда икки қаватли иморат қурмоқда. “Барчаси узумчиликнинг орқасидан. Қанчалик кўп меҳнат қилсангиз, меҳнатдан қочмансангиз, ҳосил ҳам баракали бўлади”, дейди Абдужаббор. Унинг айтишича, ҳар йили ички бозорга 50 тонна узум сотиб, 10 тонна атрофида майиз тайёрлар экан. Даромад ҳам шунга яраша. Айна пайтда Абдужаббор Авезов узум кўчати етиштириш билан ҳам шуғулланади. У жорий йилда кўшни Қозғистон Республикасига узум кўчатлари экспортини ҳам амалга оширди. Бугунги кунда фермер хўжалигида 10 та доимий иш ўрни яратилган. Хўжалик аъзолари томонидан бир кунда ўртача 500-600 килограмм узум узилаяпти. Тайёр маҳсулотлар эса ички бозорга йўналтирилмоқда. Узумчилик халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти ва даромад манбаи. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган.



Хусайни, тойфи, ризамат ота, келинбармоқ ва киши-киши узумларимизнинг доврўи узоқ-узоқларгача танилган. Бугун меҳнати ортидан барака топаётган Абдужаббор ҳам узумчилик соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшаётганидан, янги навлар яратиш устида бoш қотираётганидан мамнун. Зеро, тинимсиз меҳнат, изланиш ва интилиш инсонга ҳамиша барака олиб келган.

Отабек АСЛОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЖАРҚҮРҒОН МИНОРАСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Олис қишлоққа хорижликлар келишмоқда

Сурхондарё вилоятида 400 га яқин тарихий обидалар рўйхатга олинган. Мустақиллик йилларида воҳа аҳли ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ёдгорликларни қайтадан тикладилар, обод гўшаларга айлантирдилар. Жарқўрғон минораси сиру синоатга бой. У 1108-1110 йилларда Салжуқийлар султони Абу Саъд Сумгур Бадрон ибн ал-Қумоч томонидан, сарахлик уста Али ибн Муҳаммад томонидан саккиз қиррали пойдевор устига ярим айлана (гофр) шаклида, 16 қиррали қилиб қурилган. Унинг асосига тушган сари қирралари гуёки ёй сингари ёйилиб кетаётгандек туюлади. Миноранинг қирралари куйфий услубда битилган, ҳошиялар билан боғланиб, ўзига хос маҳобат касб этади. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли тахмонлар ишланган. Ана шулардан бирида жойлашган эшик орқали миноранинг ички қисмидаги айланма зинага чиқилади. Барча миноралар сингари Жарқўрғон минораси ҳам гумбазсимон муаззимхона билан яқунланади. Бўйи 21,6 метрлик бўлган минора узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Оддий пишиқ гиштдан иборат деворлари узра

кўши нурлари жилваланиб туради ва бу манзара унга алоҳида бир маҳобат бағишлайди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, миноранинг баландлиги аслида 54 метр бўлган. Унинг қурилиш услуби алоҳида бўлиб, “Мавъ” шаклидаги дунёда қурилган 3 та миноранинг бири ҳисобланади. Минора савдо қарвонлари учун маёқ вазифасини ҳам ўтаган. Унинг ёнида бир вақтлар пишиқ гиштдан қурилган Жомеъ масжиди бўлган, аммо ҳозирги кунгача сақланмаган. Замонлар, қарвонлар ўтавергану лекин минорани сақлаш, унинг ўпирилиб тушган гиштарини жойига қўйишга эътибор берилмаган. Утган асрнинг 90-йилларида қадар минора ярим

белига қадар тупроққа кўмилиб, ичкарасига кириб бўлмасди. Нимасини айтасиз, унинг остонасига қадар томорқага, молхонага айлантирилганди. Фақат Истиқлол минорага файз, иккинчи умр бахш этди. Жарқўрғонлик ёш тадбиркорлар Абдулла Раҳмонов, Жума Тожиёв, Неъмат Эргашевлар маҳалла-қўйнинг кўмаги билан бу табаррук маскани обод қилишди, унинг пойдеворини очишди, ҳовлисини кенгайтирди. Ёнидан ўтган ариқни бетон қоплама билан таъмирлади. Бу хайри ишларга ёшу қари бош қўшди. Минора ёнида маҳалла учун ажойиб бино қурилди. Шу ернинг ўзида ёдгорликка тегишли, қишлоқ тарихига оид ҳужжатларни жамладилар. Археологик топилмалар билан бойитдилар.

– Бу тадбирлар маҳалламиздаги ўғил-қизларимизнинг мактабда олаётган таълим-тарбияларига ижобий таъсир ўтказаяпти, айрим мавзулардаги машғулотлари биз минора пойида ва музейида ўтказишни йўлга қўйганмиз, – дейди тарих фани ўқитувчиси Ҳасан Саидов. – Бу усул бизга яхши самара беради. Ахир айтишадик, минг бор эшитгандан, бир бора



қўрган афзал деб. Миноранинг тарихи ва бугунги кунини ўрганиш бўйича ташкил қилган тугарагимиз машғулотларига ҳам қизиқиш катта. Тарих ҳақидаги билимлар, албатта, ёшларимизнинг келажақ йўлларини ёритиб беради.

Минора шарафига у жойлашган ҳудуддаги маҳалла ҳам “Минор” деб номланибди. Маҳалла ўз ёдгорлигига муносиб равишда юксалаётганини таъкидлаш жоиз. Йўллар раvon. Ариқ-зовурлар тозаланган. 550 дан ортиқ хонадонларнинг барчасидаги файзу тароват ҳавас қилгувчи. Маҳалла аҳли бунёдкорлик юмушлари билан банд: дуродгорлик, темирчилик, тунукасолик, зардўзлик, бичиш-тиқиш устaxonалари, этикдўзлик, сартарoшxона, электр жиҳозларини таъмирлаш сингари ўнлаб маиший хизмат нуқталари ишлаб турибди. Маҳалла аҳолиси учун тоза ичимлик суви қувури тортилган. Хонадонлар ўз фойза газ плити ва баллонлар билан таъминланган.

– Яқиндан бошлаб минорамизни зиёрат қилгани хориж давлатларидан сайёҳлар келиши кўпайди, – дейди жарқўрғонлик меҳнат фахрийси Содиқ



Шерматов. – Сайёҳлар билан суҳбатлашганимда, улар бизнинг бугунги турмуш тарзимизга ҳавас қилганликларини айтишади. Бу каби илиқ фикрларни АҚШ, Германия, Япония, Бельгия, Австралия каби ўнлаб давлатлардан келган сайёҳлардан эшитганман.

Вилоят ҳокими Улғабек Қосимов Жарқўрғон туманига қилган ташрифи мобайнида “Жарқўрғон минораси” тарихий обидаси ҳудудини ободонлаштириш ва ёдгорлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича лойиҳалар билан танишди. Худуднинг архитектура ёдгорлигига зиён етказмасдан, мутахассисларни жалб қилган ҳолда уларнинг тавсиясига асосан ободонлаштириш, сайёҳлар учун шароитлар яратиш бўйича масъулларга вазифалар белгилаб берди.

Рустам ДАВЛАТОВ, журналист.

Дунё спорт майдонларида "ўзбек оғир атлетикачилари", "ўзбек боксчилари", "ўзбек самбочилари" атамалари пайдо бўлди

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ҚАМАШИҒИЛИК

"ТЕРЕЗА" ОНА

Авалло Тереза она ҳақида айтиб ўтасан. Асли албан миллатига мансуб аёлнинг исми Агнес Гонджа Бояджиу бўлиб, у 1910 йилда Македониянинг Скопједа шахрида туғилган. У кейинчалик Хиңдистоннинг Калькутта шахрига бориб, бутун умрини кексаларга, бева-бечораларга, ногиронларга ғамхўрлик қилишга бахшида этиб, хайрия миссиясига асос солган. Саховатпеша аёл дунёга Тереза она номи билан танилиб, тинчлик бўйича 1979 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.



...Бу аёл ҳақида кўпдан буён бирор нима ёзишни режалаштириб юрган эдим. Мавриди келиб Саодат опа яшайдиган хонадон эшигини қочқим. Дарвозани очган уй бекаси бизларни кутиб олarkan, кулимсираб деди: ота-боболаримиз "супирилмаган уйга меҳмон келади", дея бекорга айтишмаган экан, буни қаранг, уйимизда усталар бор эди, шу боис ҳовлимиз тузиб ётибди, дея бизларни сўрига таклиф этди. Бир пиёла чай устида суҳбат бошланди.

барча шарт-шароитлар яратилган. Турли тадбирлар, тамошалар бўлиб туради. Саёҳатларга бориб келишарди. Сихаттоҳларга йўланма орқали бориб, соғлиғини тикламоқда. Ҳатто уйимизда бир нечта никоҳ тўйларини ҳам ўтказдик. Тўйлар шахримиздаги саховатпеша тадбиркор Қахрамон Аминнинг тўйхонасида ҳеч кимникидан кам бўлмай ўтказилди. Ана, Камол деган йигитни Дилфуза исмли қизга ўйлантиргандик. Ҳозир уларнинг бир нафар боласи бор. Келинчака эса кўрпа-тушак тикадиган цех очиб берди. Яна Холмирза деган бошпанасиз киши ҳам бу жойдан ўзининг бахтини топди. Ҳозир уларнинг икки нафар фарзанди бор. Буларнинг барисини Саодат опаимиз ташкил қилди,- дейди узоқ йиллардан буён бу жойда ҳаловат топиб, умргузаронлик қилаётган кекса отахон Поён бобо Боймуродов.

Улим ҳақ, ҳар йили 3-4 одам бандчилик қилади. Саодат опа марҳумларнинг дафн маросимлари ва маъракаларини ўзининг ҳисобидан ўтказди. Бугун эса ёлғизлар учун ҳаммом, ўтинхона, ошхона қуриш учун елим-юғуриб юрибди. Саховат уйини таъмирлаш ишларига "Шўртангазиме" мажмуаси ҳам бегараз ёрдам қилмоқда.

Саодат опа тиниб-тинчимас аёл. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг эски биноси ҳовлисига 2013 йилда Сурхондарё вилоятидан 60 туп лимон, мандарин, апельсин кўчатини олиб келиб, уч қатор қилиб эктирди. Қишда лимонхонани иситиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. 2011 йилда грант асосида ютиб олган тўққиз миллион сўмлик пулига ҳовлининг бир четиди 150 метр чуқурликда қудуқ қаздириб, сув чиқариш насоси билан кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Мевали дархатларнинг сон-саногини йўқ, Шунингдек, ушбу қудуқ сувидан 63-мактабнинг ҳовлисидидаги ўсимликлар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

— Мен асли Самарқанднинг Оқдарёсидидаги Лойиш қишлоғида туғилганман. Отам Ҳамид ака ҳуқуқшунос бўлиб, узоқ йиллар ижтимоий таъминот бўлимида бошлиқ бўлиб ишлади. Онам Қундуз момо оддийгина қишлоқ аёли, уй бекаси бўлиб, улар ўн нафар фарзанд қуришган, олти ўғил ва тўрт қиз. Мен тўнғичи. Ўзини мақтаётпи деман-у, мактабда яхши ўқирдим, жамоатчи эдим. Адабиёт ва тарихни, расм чиқиш, турли тадбирларда қатнашишни ёқтирардим. Мактабни тугатиб, отамнинг касбини эгаллаш учун пойтахтдаги ҳуқуқшунослик техникумида уч йил ўқидим ва таҳсилни тугатиб, ижтимоий таъминот бўлимида йўриқчи бўлиб ишладим. Ёш эдим, кўнгилда орзулар бир олам эди, баъзида эса ён дафтормига алланималарни битиб кўярдим. Ота-онанинг сўзига қилиб, кам бўлмадим. Кўлимиздан келгунча одамларга фойдамиз тегса, дейимиз. Болаликдан бизларни шунга ўргатишган...

— Қамашига қандай келиб қолдингиз, нима, Оқдарёда сизга муносиб кувв топилмади, ҳазиллашиб сўради, ҳамроҳим Турсунбой ака.

Саодат опа бир ёқимли жилмайди. — Ортимдан эргашганлар кўп бўлган, келин қиламан, деганлари ҳам, аммо, пешонамга Қамашига келин бўлиш битилган экан-да... Ҳали ҳеч ким қисмайдиган қочиб кутулмаган, қолаверса, "қиз бола палаҳмоннинг тоши" деган гап ҳам бор шекилли... Бахтимга турмуш ўртоғим Нурбобо ака мени тушунадиган, оилапарвар йигит чиқди. У киши билан рўзгор тикиб, уч ўғил ва икки қизнинг отаси, онаси бўлдик. Тўнғичимиз Нодира вилоят ОИТС марказининг олий тоифали шифокори, бош шифокор ўринбосари, Шерали эса Ҳамид бобо си ва онасининг изидан юриб, бугунги кунда туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимини бошқармоқда. Учтинчи фарзандимиз Санжар Бош прокуратура масъул ходими, Улуғбек тадбиркор, Шаҳноза уй бекаси. Барчаси уйли-жойли бўлган. Ўн етти та ўртоқчи неварамиз бор. Шу кўнларга етказганига шукрона айтиб яшайпмиз...

Келин бўлиб тушган янги хонадонга кўникишим осон кечмади. Бахтимга қайнотам ва қайнонам кўпни кўрган кишилар экан. Ишлашимга имконият, шароит яратиб беришди. Ўн йилдан кўпроқ муддат турли идора ва ташкилотларда ишладим. Ишдан ажралмаган ҳолда билимимни ошириш учун Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига сиртдан ўқишга кирдим. Иمتиҳонларни топириш учун кўлимда эмизикли болам билан пойтахтга борар, ижарадаги уйда гўдагимни ухлатиб, тонг отгунча дарс қилардим, синовлардан ўтардим.

Ҳа, Саодат Ҳамидованинг Самарқанд вилоятида туғилиб, йигирма ёшида Қамашига келин бўлиб келгани ҳам эллик йил бўлибди. Шу муддат давомида у ўзининг бутун меҳрини қамашликларга берди. Ўз навбатида бу танти элнинг олқишини, дуосини олди, эътибор, эъзоз топди.

Самарқанддан келин тушди, Қамашига,

Бахт-муҳаббат олиб келди, йўлдошига.

Элли экан, сепли экан, билинди тез,

Қут-баракат ёғаверди, у келган кез.

Меҳрибону ишбилармон, билими кўп,

Савоб ишни, саховатни қилди у хўп.

Шу боисдан тилга тушди, дилга тушди,

Қанча ишлар тадбири-ла, изга тушди.

Меҳнат-ла эъзоз топди, Қамашига.

Қирқ набира ўйнар бугун, ёнбошида.

Ўролбой ҚОБИЛ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу мусобақада юртимиз шарофини муносиб ҳимоя қилган ҳар бир спортчи халқимизнинг юксак эҳтиромига муносибдир. Айниқса, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган ёш оғир атлетикачиларимиз, боксчиларимиз, самбочиларимизнинг муваффақияти юртимизда бўлғуси Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларининг янги чемпионолари, Ватанимиз шаънини улуглайдиган кучли авлод камолга етаётганини кўрсатди.

Ёш спортчиларимиз 22 та давлат спорт делегациялари қатнашган МДХ ўйинларида умумжамоа ҳисобида Россия ва Беларусь Республикасидан кейин 3-ўринни эгаллашди, бундан икки йил муқаддам Қозонда ўтказилган биринчи МДХ ўйинларидаги медаллар миқдори 16 тага яхшилангани мамлакатимизда ёшлар спорти ривожини янги босқичга чиққанининг ёрқин далили бўлди.

Бугун давлатимиз раҳбари ёшларга кўрсатаётган алоҳида эътибор, яратилган кенг имкониятлар туфайли дунё спорт майдонларида "ўзбек оғир атлетикачилари", "ўзбек боксчилари", "ўзбек самбочилари" атамалари пайдо бўлди.

Пойтахт аэропортида бошланган ғалаба шодиёнаси Миллий олимпия қўмитасидаги тантаналар билан давом этди. Ватан довуғини дунёга дoston этадиган иқтидорли, салоҳиятли ўғлонларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналар, уларнинг устозлари шаънига илиқ тилаклар билдирилди. Маҳоратли спортчиларни тайёрлашда фидойилик кўрсатган тажрибали ва фидойи мураббийлар-



га, спорт мутахассисларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

Беларусь спорт майдонларида зафар қучган боксчилар Гулсеввар Ганиева ва Фазлиддин Эркинбоев, самбочилар Қобил Аҳмедов ва Мухлиса Қодирбергенова бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда берди.

— Бизни катта тантана билан кутиб олишгандан хурсандимиз, — дейди II МДХ ўйинларининг бокс бўйича олтин медали соҳиби Самандар Олимов. — Бу эътибор ва ғамхўрлик келажақда янада юксак муваффақиятларга эришишимизга қувват бўлиши шубҳасиз. Биз ёшлар бундай ғамхўрликка муносиб бўлиш учун бор кучимизни сарфлашга тайёرمىз.

Иккинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада МДХ мамлакатларидан ташқари 13 давлат вакиллари ҳам иштирок этди. Умумий ҳисобда,

бу йилги ўйинларда 22 та спорт тури бўйича 246 та медаллар жамланмаси ўйналди.

Унда Ўзбекистон спорт делегацияси 28 та олтин, 25 та кумуш ва 53 та бронза медали, умумий ҳисобда 106 та медални қўлга киритди. Бу орқали делегациямиз мазкур ўйинлардаги натижасини яхшилади. Терма жамоамиз 2021 йили Қозон мезбонлик қилган ўйинларда 23 та олтин, 32 та кумуш ва 35 та бронза, умумий ҳисобда 90 та медални қўлга киритган эди.

Ҳа, йилдан-йилга турли мусобақаларда спортчиларимиз қайд этаётган натижалар ҳар томонлама ўсоқда. II МДХ ўйинлари тарихга айланди. Ишонимизки, 2025 йили Озарбайжонда ўтадиган III МДХ ўйинларида ҳам вакилларимиз бундан юқори натижаларга эришади.

Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Эълон

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "GC GASPRO INNOVATIONS" хорижий корхонаси (СТИР: 309294585) ўз Низом жамғармаси миқдорини 1 000 000 000 (бир миллиард) сўмдан 543 072 015,04 (беш юз қирқ уч миллион етмиш икки минг ўн беш сўм тўрт тийин)гача камайтирилишини маълум қилади. Маълумот учун телефон: +998(97) 333-21-84

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг "Ўзбекистон темир йўллари" ага бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази" томонидан марказ ихтисослик комиссиясининг 2021 йил 30 июндаги 27-сонли қароига кўра Турсунов Маъруф Илҳомовичга берилган 0052-сонли "Тепловоз машинисти касби" берилганлиги ҳақида ГУВОҲНОМА йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Алгоритм Г—35, 47-уй, 58-хонадонга АДИБЕКОВ АБДУМАЖИТ номига берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тахрир хайъати:

Шавакк ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актаб ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ — 144. Буюртма Г-840. 1320 нусхада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона — (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар — (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс тарихидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

ISSN 2010-7021



Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топирилди: 18.00